

Миллий гвардия хизмат фаолиятида профайлингдан фойдаланишнинг самарали жихатлари

Давронбек Абдукаримович Ўрмонов
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Аннотация: Мақолада Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан профайлинг методини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва асослилиги, жамоат хавфсизлиги ва давлат хавфсизлигига таҳдидлар бўлган тақдирда хавфни бартараф қилишда профиллаш технологиясидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Жамоат жойларида таҳдид ва хавф-хатарларни таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ва тўхтатишда профиллашнинг ўрни ва аҳамияти. Содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт башорат қилиш йўли билан шубҳали шахсларни кузатиш, визуал диагностика қилиш, хатти-ҳаракатларини, юзини (физиогномик) таҳлил қилишга, жамоат тартибини бузишга мойил шахсларни аниқлаш, оммавий тадбирларни хавфсиз ўтказилиши бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Миллий гвардия, ҳарбий хизматчи, профайлинг, жамоат хавфсизлиги, таҳдидлар, қонунбузарлик, ҳуқуқбузарлик, оммавий тадбирлар.

Effective use of profiling in National Guard service activities

Davronbek Abdulkarimovich Ormonov
University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article describes the expediency and validity of the application of the profiling method by the National Guard servicemen ensuring public safety using profiling technology in the field of risk elimination in the event of threats to public safety and state security. The role and importance of profiling in the analysis of threats and risks in public places, their elimination and termination. According to the early prediction of possible violations and offenses, recommendations for monitoring suspicious persons, visual diagnostics, analysis of their behavior, physiognomy, identification of persons prone to disturbing public order and safe conduct of mass events are presented.

Keywords: National Guard, military personnel, profiling, public safety, threats, misconduct, offense, public events

КИРИШ

Жамоат тартибини ўрнатиш ва сақлашдан мақсад, фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг нормал фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат ахлоқини тартибга солган ҳолда, фуқароларнинг меҳнати ва дам олиши, уларнинг шаъни, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилишдир.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

2020 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунида, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир” дея эътироф этилган. Мазкур қонунда Миллий гвардия органларига яна:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

жамоат тартибини сақлаш, шу жумладан оммавий тадбирлар, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказилаётганда ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш;

фавқулодда ҳолат, алоҳида давр ва террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш шароитларида ҳуқуқий режимни таъминлаш;

кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этилиши кўрсатиб ўтилган¹. Демак, Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси жамоат тартибини сақлашда бевосита иштирок этувчи орган ҳисобланади. Ушбу Қонун талабининг маъсулияти, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари компетенциясига юклатилган асосий вазифа жамоат тартибини сақлашда профайлингдан кенг кўламда профессионал тарзда фойдаланишга ундайди. Юқорида келтирган фикрларни қуйидагича асослаш мумкин:

Жамоат хавфсизлиги - жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда - таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 18.11.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2020 йил 18 ноябрь, ЎРҚ-647-сон URL: <https://lex.uz/docs/5128310> мурожаат санаси 20.01.2023 йил

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш - давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим².

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш – инсонлар кўп тўпланадиган жамоат жойларида (Бозорлар, истироҳат боғлари, сайлгоҳларда, автошоҳбекатлар, оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида, футбол ва ҳар хил спорт мусобақалари, концертлар, байрамлар, ярмаркалар, ҳозирги кунда автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида ва ҳ.зо) амалга оширилади. Ушбу жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари шу жумладан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳам жалб қилинмоқда. Мисол учун, футбол ва ҳар хил спорт мусобақалари, концертлар, байрамларда жамоат тартибини сақлашда ушбу тадбирга ташриф буюрувчи фуқароларни синчиклаб, белгиланган қўлланма асосида текшириш маълум бир вақтни талаб этади. Бу эса ташриф буюрувчилар оқимини ҳаракатини секинлаштиради ҳамда фуқароларга кўтаринки кайфият улашиш учун ташкиллаштирилган тадбир бошланмасдан, ташриф буюрган фуқароларда агрессив хулқ-атворнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Б.Н.Сирлиевнинг фикрига кўра, “Профайлинг ёки профайл методи - шахсларни психологик баҳолаш, кузатиш, уларнинг хулқидаги ўзгаришларни ташқи ифода ва хатти-ҳаракатлар асосида таҳлил қилиш каби бир неча психологик усуллардан фойдаланган ҳолда олдиндан башорат қилиш имконини берадиган шахс профилини яратиш усулидир” дея таъкидлайди³.

Мазкур фикрларга қўшилиш мумкин, лекин хавфсизлик соҳаси давлат тараққий этган сари асосий ўринга чиқиб «профайлинг» йўналишида илмий ва амалий изланишлар ортиб бораётганлиги сабабли Н.В.Чаленко ўз диссертациясида берган қуйидаги таърифи: «Профайлинг ёки профайл-методи - кузатиш ва махсус сўров усули ёрдамида хавф туғдириши мумкин бўлган, ноадекват хатти-ҳаракатга мойил шахсларни аниқлашга қаратилган махсус тадбирлар тизими»⁴ биринчи таърифни янада тўлдиради. Шу каби тадбирлар жамоат хавфсизлигини сақлашга сафарбар қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларида шахс психологияси, ташқи диагностика (визуалдиагностика) ва физиологиясига нисбатан билимларини бойитиб профайлинг методи ёрдамида

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини касдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони

³Пенитенциар психология: Маърузалар курси / Б.Н.Сирлиев, Р.Х.Душанов, Э.Н.Сирлиев, И.Х.Калонов, Д.А.Таджибаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

⁴ Ахборотнинг ишончлилигини баҳолашда профайлинг технологияси ва полиграфнинг аҳамияти –: Ўқув-методик қўлланма / Тузувчи-муаллифлар: Е. Ю. Агзамова, Ф. А. Шигакова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.

ташқиллаштирилса, ҳарбий хизматчилар фуқароларни диққат билан кузатиб бориши ва уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаши, шубҳали ҳаракатлари, белгилари кўзга ташланган шахсларни потенциал хавфли тоифага таснифлаш кўникмасини шакллантиради. Фақатгина шубҳали шахслар улар томонидан тўхтатилади ҳамда ушбу ҳолат бошқалар учун профилактика вазифасини бажаради. Кўп ҳолларда рофайлинг методи хавф туғдириши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида фуқароларни кўздан кечириш вақтида қўлланилади.

Жамоат тартибини сақлашда, профайлинг методидан кенг фойдаланилган ҳолда потенциал хавфли тоифага кирувчи шахсларни аниқлаш, уларни хатти-ҳаракатларни олдиндан башоратлашда, психология, шахс типологияси, ёлғонни аниқлаш, инсон хулқ-атвори физиологияси ва физиагномикаси алоҳида ўрин тутди. Бунда шахсларни тўрт гуруҳга бўлиб олиш муҳимдир:

- “хавфли бўлмаган фуқаро” жамоат жойига маънавий маданий хордик чиқариш учун оиласи билан ёки яқин инсони билан келган фуқаро.

- “ўрта хавфли бўлган фуқаро” жамоат жойига дўстлари ёки тенгхўрлари билан келган фуқаро ва хомиладор аёллар. Баъзан ўзини ўлдиришга тайёрланган террорчи аёллар атрофдагиларда камроқ шубҳа ўйғотиш учун хомиладорлик қиёфасидан яхши ниқоб сифатида фойдаланадилар⁵.

- “Юқори хавф” 15-35 ёш оралиғидаги эркаклардан иборат дўстлар жамоаси спортчилар услубида кийинган узук ва бўйнига занжир тақиб алоҳида имиджга эга бўлган, соқол қўйган якка ёки тўда шахслар. Хижобли ёки паранжи сифат диний кийимларда ташриф буюрувчи аёллар. Хавфсизлик режимини синчиклаб (камараларни, жамоат тартибини таъминловчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини, жойлашувини) ёки зимдан нигоҳи билан кузатувчи шахслар.

- “ўта юқори хавф” гуруҳига кирувчи фуқаролар спиртли ичимлик ичган ёки гиёҳванд, психотроп моддаларни қабул қилган шахслар ҳисобланади.

Умуман олганда жамоат тартиби аксар ҳолларда гавжум ва омма тўпланадиган жойларда олиб борилади. Бунда омма психологияси ва оммавий профиллаш билимлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчиси компетентлигининг қай даражада ривожланганлигига асосланади.

Оммавий профайлинг - бу оломон ичида террористик ҳаракатни содир этиш ниятида бўлган бузғунчи фикрли одамларни аниқлаш. Муваффақиятли аксилтеррор фаолият учун оммавий профиллаш технологияси қўлланилади, унда қуйидаги жараёнлар кетма-кетлик билан амалга оширилади:

1) Кузатиш объекти омма орасидан ажратиб олинади.

⁵ Жиноятчи шахсининг вербал ва новербал психодиагностикаси ва уни ўрганиш методикаси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015.

- 2) Объектнинг визуал-хулқ-атвори профили тузилади.
- 3) Объектнинг ноадекват руҳий ҳолатининг тавсифи тузилади.
- 4) Объектнинг ноадекват хатти-ҳаракатлари тавсифи тузилади.

5) Ноадекват объект идентификациядан ўтиши ва тўлиқроқ текширилиши зарур. Бу профиллаш жараёнининг муҳим жихатидир. Профиллашнинг асосий усули - бу визуал кузатиш.

Қўшимча усул - ҳужжатларни текшириш ёки текшириш вақтида суҳбат, сўров жараёни орқали профиллашнинг асосий вазифаси жинойий ниятга эга бўлган шахсларни аниқлашдир.

Оммавий тадбирлар ўтказилаётган ҳудудда юқорида кўрсатилган шахслар назорат ўтказиш жойларида тўхтатилади, суҳбатлашади, ҳужжатлари текширилиши билан бир вақтда сўров ўтказилади, шахсий буюмлари ва юклари текширилади. Бундай ҳолда, текшириш ҳам қўлда (қўлда текшириш), ҳам махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши орқали тадбирнинг ҳафсиз ўтиши таъминланади. Ушбу усул орқали тадбирнинг ҳавфсизлик профилактикаси ҳам амалга оширилади. Бунда кейинги ҳарбий хизматчи назорат ўтказиш жойидан кириб келаётган шахсларни доимий кузатиб бориши ва текширилаётган шахсга кириб келувчиларнинг эътиборини кузатиши шарт. Агар назорат ўтиш жойидан кириб келаётган шахс текширилаётган шахсни кузатиш жараёнида ҳавотирланиш реакциясини билдирса ушбу шахсни ҳам ҳавфли гуруҳга киритиш керак. Кузатиш билан бир қаторда, ҳавф туғдирувчи шахс профилини яратишда қўлланиладиган энг муҳим усул шубҳали белгиларни, ҳавотирланиш реакциясини кўрсатадиган потенциал ҳавфли шахс билан суҳбатдир. Суҳбат юзага келган шубҳани бартараф этиш, уни тасдиқлаш ёки рад этиш мақсадида амалга оширилади ва суҳбатга жараёнига қуйидаги вазифалар қўйилади:


1) потенциал таҳдидни аниқлаш нуктаи назаридан шахснинг муҳим вербал ва новербал алоқа жараёнига эътибор қаратиш ;

2) алоқа жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган эмоционал ҳолатларга эътиборни қаратиш, қўшимча шубҳали белгиларни аниқлаш.

Агарда юқоридаги ҳолатларда шахснинг эмоционал ҳолати ўзгармаса бундай шахслар "ҳавфли бўлмаган фуқаро" профилига мос келади. Шубҳали белгилар аниқланган тақдирда, ҳарбий хизматчи шубҳали фуқаро билан бевосита алоқага киришиши ва у билан суҳбат аста секин сўров шаклига ўтиши керак. Миллий гвардия ҳарбий хизматчисида пайдо бўлган биринчи таассурот орқали шахсни профиллашда сўровни оддийдан мураккабликка қараб олиб бориши керак. Сўров саволлари: тадбирга ташрифдан мақсад, жойлашмоқчи бўлган сектор ёки трибуна, етиб олиш маршрути, кимлар билан келганлиги, ташриф буюрган тадбир бўйича бирламчи маълумотга эга эканлиги ва шунга

ўхшаш саволларга йўналтирилади. Сўров давомида ходим берилган саволларга қаршисидаги шахснинг жавоб бериш жараёнига бўлган муносабатни кузатади, респондентнинг хатти-ҳаракатларидаги белгиларини назорат қилади ва баҳолайди. Шу билан бирга, физиологик ва ҳиссий (эмоционал) ҳолатининг белгиларига, шунингдек, унинг самимийлиги ва носамимийлигига алоҳида эътибор қаратади, уларнинг мавжудлиги сўров давомида олинган маълумотларни баҳолашга таъсир қилиши мумкин. Вазиятга ноўрин жавоблар ва ноўрин реакциялар, шунингдек, ёлғон аломатлари шубҳаларни кучайтиради.

Оммавий тадбирларда ноадекват кузатиш объектига нисбатан идентификатор белгиларини аниқлаш ва тизимлаштириш қоидабузарларнинг профилларини ва уларнинг моделларини яратишга имкон беради, уларнинг ёрдамида шубҳали шахсларни аниқлаш мумкин. Шу билан бирга профилактика чораларини амалга ошириш, хавфсизликни таъминлаш жараёнлари ва чоралари, ўз навбатида, профилактика технологиясидан фойдаланган ҳолда давлат хавфсизлигини таъминлаш жараёни расмда кўрсатилган шаклга эга бўлади



1-расм. Профилактика технологиясидан фойдаланиб оммавий тадбирлар хавфсизлигини таъминлаш.

ХУЛОСА

Бизнингча назарий ва эмпирик тадқиқотлар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларида ижтимоий-психологик компетенцияни ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу тавсиялар, бир томондан ҳарбий хизматчиларда профайлерлик қобилиятини ривожлантириш учун таълим ташкилотларида профайлинг билимларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш ҳамда мотивация беришни, профилактиканинг хусусиятларини ўрганади. Ўқитувчилар ва психологларни

тажрибаларини чет эл мактабларида ривожлантириб, профиллаш хизмати ходимларининг ижтимоий-психологик компетенциясини ривожлантириш учун соҳани акмеологик ривожлантириб борилиши уларнинг касбий тайёргарлигини оптималлаштиришни соҳага рақамли профиллаш тизимини киритиш келгусида жамият ва давлатнинг хавфсизлигига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.10. – Т., 2002й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 18.11.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги Қонуни Тошкент ш., 2020 йил 18 ноябрь, ЎРҚ-647-сон URL: <https://lex.uz/docs/5128310> мурожаат санаси 20.01.2023 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини касдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони
4. Пенитенциар психология: Маърузалар курси / Б.Н.Сирлиев, Р.Х.Душанов, Э.Н.Сирлиев, И.Х.Калонов, Д.А.Таджибаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.
5. Ахборотнинг ишончлилигини баҳолашда профайлинг технологияси ва полиграфнинг аҳамияти –: Ўқув-методик қўлланма / Тузувчи-муаллифлар: Е. Ю. Агзамова, Ф. А. Шигакова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
6. Жинойтчи шахсининг вербал ва новербал психодиагностикаси ва уни ўрганиш методикаси: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015
7. Қодиров А., Исмоилов М. «Курбонлик» ёки «шаҳидлик» кўрини-шидаги террорчилик // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004.
8. Чаленко Н.В. Развитие социально-психологической компетенции сотрудников службы профайлинга: Дис. ... канд. пед. наук. — М., 2010